



ҚИССАДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАЛҚИНІ
Шоира Ахмедова БұхДУ профессори, ф.ф.доктори
Махлиә Худойбердиева, БұхДУ, филология факультеті 3
курс талабаси

Аннотация. Мазкур мақолада истеъододли ўзбек адиби Миркарим Осимнинг ватанправарлик мавзусидаги қиссаларидан бири “Тўмарис” асари ҳақида фикр юритилади. Ватанни севиш, уни ардолқлаш гоясини ўзида сингдирған Тўмарис образи таҳлилга тортилган ва бугунги кунимиз учун маълум хуносалар чиқарилган.

Калит сўзлар. Қисса, адиб, тарихийлик, ҳаққонийлик, ватанпарварлик, талқин ва таҳлил, образ.

Abstract. In this article, one of the stories on the theme of patriotism, "Tomaris", written by the talented Uzbek writer Mirkarim Osim, is discussed. The image of Tomaris, who embodies the idea of loving the motherland and honoring it, was analyzed and certain conclusions were drawn for today.

Keywords. Short story, literature, historicity, truthfulness, patriotism, interpretation and analysis, image.

КИРИШ. Миркарим Осим ўз замондошлари орасида тарихга мурожаат қилған адибларнинг энг олдинги сафида борди. Чунки у тарихий мавзуда ёзилған ҳикоя ва қиссаларида тарихийлик ва ҳаққонийлик тамойиллариға тўла амал қилиб, зиддиятли тарихий материаллар орасидан энг характерлиларини танлаб олди ва тарихий жараённи бадиий идрок этиш, талқин килиш, ҳаёт ҳақикатининг ҳаққонийлигини тўғри кўрсатиш йўлидан борди. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир асарида асрлар бўйи эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш нафаси уфуриб туради-ю, ёш авлодларни ўтмиш ва унинг буюк инсонларига нисбатан муҳаббат рухида тарбиялайди, уларга ватан озодлиги,

эрки учун кураш воқеаларидан сабоқ бериб, ватанпарварлик ва инсонпарварликни улуғлайди.

Тарихимизнинг энг кадимги даврлари ҳақида ҳикоя қилувчи, мўғул мустамлақачиларига карши курашларни тасвирловчи «Широк», «Темур Малик», «Тўмарис», «Ўтрор», «Искандар ва Спитамен» каби асарлари, «Карвон қўнғироги», «Элчилар» каби асарлари, эзгулик йўлида жасорат кўрсатган буюк сиймолар, шоирлар даҳосини улуғлаган Ибн Сино ҳақидаги қиссаси, «Жайҳун», «Зулмат ичра нур», «Маҳмуд Торобий», «Алжабрнинг туғилиши» каби асарларида адабнинг тарих ҳақиқатларини ўзига хос йўллар билан тасвирлаш методи, адаб сифатидаги изланишлари шаклланиб борганлигини кўриш мумкин.

Асосий қисм. Адабиётшунос олим С. Мирвалиев тарихчи адаб М. Осимнинг асарларини мавзу йўналиши бўйича уч қисмга бўлиб таҳлил қилиш ва баҳолашни тавсия этади:

1. Тарихий қаҳрамонлик тўғрисидаги асарлар.
2. Тарихий-маиший мавзудаги асарлар.
3. Тарихий таржимаи ҳол асарлари [Мирвалиев, 1995, 60].

Қаҳрамонлик мавзусига бағишлиланган «Ўтрор», «Тўмарис», «Широк», «Темур Малик», «Искандар ва Спитамен» каби асарларда Александр Македонский, Эрон шоҳлари, мўғуллар истилоси ва уларга қарши қаҳрамонона кураш олиб борган халқларимизнинг ватанпарварлик курашлари эрк, озодликни ҳар нарсадан афзал билиб, қулликка тушгандан ўлган афзал деб жонларини ҳам аямаганликлари ҳаққоний акс эттирилган.

Қадимги аждодларимиз яратган халқ оғзаки ижоди намуналари орасида қаҳрамонлик эпослари муҳим ўрин тутади. Қаҳрамонлик эпосининг кўп асарлари тарихий воқеалар қадимги ота-боболаримизнинг чет эл босқинчилариға қарши олиб борган ватанпарварлик, эрк ва мустақиллик учун олиб борган курашлари асосида юзага келди. Бундай қаҳрамонлик эпосларида

ватан мустақиллиги ва инсон эркини ҳар нарсадан устун қўювчи ҳақиқий ватанпарварлар ва жасур, фидокор аждодларимизнинг ўлмас образлари яратилди. Тўмарис, Широқ ана шундай оташин ватанпарварлар образидир.

Тўмарис Кирга қарши курашга қизиққан ғайратли, кўп жанг кўрмаган, тажрибасиз ўғли Спарганизни бемаслаҳат қўшин боши қилиб тайинлаганидан пушаймон ейди. Агар биз юборган қўшинга Спарганиз эмас, жангларда суяги қотган, эҳтиёткор бир киши бошлилик қилганда, йигитлар орасида қизлар, аёллар бўлганида, бу фалокат рўй бериб йигитларимиздан ажраб қолмас эдик деган фикрларни айтиб, ўз камчиликларини мардлик билан бўйнига олади:

“Рост айтасиз, мен суяги қотмаган ўлимни бу ишга бемаслаҳат бошлиқ этиб юбордим ва манманликнинг жазосини тортдим» [М.Осим, 1995, 13]. Сўнг Тўмарис кўпни кўрган, тажрибали одамларни йифиб, маслаҳат қиласди. У барча қариялар ва болаларни орқага юбориб, барча эр-хотин, йигит-қизларни қуроллантирсак, душманни чўл ичига алдаб олиб кириб, ўша ерда қириб ташлаш режасини тузади. Бу билан ёзувчи Тўмариснинг халқ билан бир тану бир жон эканлигини, халқпарварлигини ҳам таъкидлаб ўтади.

Тўмарис тиш-тирноғи билан қуролланган эронийлар ила жанг қиласа, оқибати яхши бўлмаслигини биларди. Шунинг учун душманни чўлларда сарсон қилиб, унинг тинкасини қуритиш ва қулай жой топиб жанг қилиш режаларини ишлаб чиқади. У қўчманчи массагетларнинг сувсиз чўлларда ўзини яхши ҳис этишини, «чўллар уларни ўз бағрида ўстирган меҳрибон онаси» эканлигини, қаерда бўлиқ, қаерда қуруқ борлигини яхши биларди. Шунинг учун душманни чўллар ичига олиб кириб, уларни сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдириб, тор-мор қилиш режасини ишлаб чиқади. Аскарларнинг кийим-бошлари, қуроллари қандай ҳолатда эканлигини эринмай, синчиклаб текшириб чиқади. Халққа мурожаат қилиб,: «Қаерга кетаётганингизни ҳаммангиз яхши биласиз. Шу кетганча ё ҳаммамиз битта қолмай қирилиб, ўз қонимиз билан шаънимизга тушган доғни ювиб ташлаймиз ёки душманни

қириб юбориб, ғалаба билан қайтамиз. Орамизда Эрон шоҳи олдида тиз чўқадиган номард йўқ! Биз, албатта, енгамиз» [М.Осим, 1995,23], -дейди. Бу кайнок сўзлар Тўмарис образини тўлдириб, уни китобхонга янада яқинлаштиради. Ўқувчида бу образга нисбатан қучли эҳтиром туйғуларини уйғотади. Бу образ ёш авлод қалбида Ватанни севиш, ардоқлаш, ўтмишга қучли ҳурмат ҳисларини тарбиялаш учун мактабда ўқитувчиларга катта бадиий-тарбиявий восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун бу асар мактаб дарсликларига киритилган, болалар уни севиб мутолааа қиласидар.

Қиссада тасвирланган Тўмарис образи ватанпарварлиги, мардлиги, ақл ва фаросати билан асрлар оша ўзининг жозибасини йўқотмай келаётган тарихий шахс тимсолидир. Унинг жуда кўп фазилатлари бугунги кун ўқувчисига ҳам, келажак авлодга маънавий озуқа бера олади. Асардаги бошқа образлар бош қаҳрамон тимсолини тўлдириш, тарихий воқеа-ҳодисаларни ўқувчи кўз олдида ёрқин гавдалантириш вазифаларини ўташи билан аҳамиятлидир.

Хуноса. «Тўмарис тарихий қиссаси тинчлик-осойишталик урушни, адолат, зулмни, разилликни мардлик ва шиҷоат, сохталик ва мақр-ҳийлани енгади деган халқона ғояни илгари суради. Ҳар қанча қучли, зўр бўлмасин ҳақиқат ва ҳақ босқинчилик ва тиланчилик устидан ғалаба қозонишга ишонч ҳосил қиласиди. Ватан, халқ тинчлиги, осойишталиги учун курашган отабоболаримиз, момоларимизнинг энг яхши хислатлари ва эзгу ниятлари халқ қаҳрамони Тўмарис қиёфасида умумлаштирилган.

Ўзбекистон халқининг ўз она юртининг мустақиллиги, эрки ва озодлиги учун олиб бораётган мاشаққатли ишларни тўла-тўқис амалга оширишда «Тўмарис» каби қаҳрамонлик, тинчлик ва эрк курашини мадҳ этувчи асарларнинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда улкан. Мактаб ўқувчилари бу асарларни (афсона ва қиссани) адабиёт дарсларида ўрганадилар. Хотин-қизларнинг мустақиллик учун олиб борган курашларини Тўмарис мисолида

кўриб, уларнинг она-Ватанга муҳаббати ошади, ватан учун фидокор, толмас курашчи бўлиб етишиш иштиёқи жўш уради. Тўмарисдан юрт-тинчлиги, халқнинг осойишталигини кўз қорачигидай ҳимоя қилишни ўрганадилар. Ҳалоллик, мардлик ва шижаатли, хушёр бўлишнинг шу кунлардаги аҳамиятини тушуниб етадилар. Айниқса, муқаддас Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини кўролмаётган турли ғаразли кимсаларга қарши курашда хушёрроқ бўлишни уқиб, «Ўз уйингни ўзинг асра» шиорини дастур амал қилиб олиш, жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, истиқлол берган озодликни ҳимоя қилиш учун янада дадилроқ, хушёрроқ бўлиб, Ватан тупроғининг муқаддас эканлигини тушуниб етишда мазкур қиссанинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам бу тарихий қаҳрамонлик қиссаларини икки маротаба осондан қийинга қараб бориш асосида ўрганиш янада аҳамиятлидир. Қуйи синфда болалар «Тўмарис» ҳикоясини қисқароқ ўрганиш, юқори синфларда «Тўмарис» тарихий- қиссасини чуқурроқ тарзда мазмuni, образлари, тили ва бадиийлигини муштарак ҳолда хикоя билан қиёслаган ҳолда ўрганиш самарали ҳисобланади. Бу эса бадиий асарнинг моҳиятини чуқур ҳис этиш, гўзалликка ошно бўлиш имкониятлари кенглигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. AKHMEDOVA SHOIRA NEMATOVNA, KADYROVA NASIMA SAIDBURKHONOVNA, and KURBANOVA OLTOY BEKMURODOVNA. "METHODOLOGY AND SKILLS PROBLEMS." *The journal of contemporary issues in business and government* 27.5 (2021): 778-784.
2. Nematovna, Akhmedova Shoira. "GENRE OF LITERARY PORTRAIT IN THE WORKS OF ALISHER NAVAI." *SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА*: 127

3. Axmedova, Shoira. "THE ROLE OF THE JADID PRESS IN THE FORMATION OF UZBEK LITERARY CRITICISM." *Конференции*. 2021.
4. Ахмедова Ш. Н. ХУРШИД ДАВРОННИНГ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ: Ахмедова Шоира Нематовна, БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси профессори, ф. ф. доктори //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 6.2. Махсус сон. – С. 20-28.
5. Ахмедова, Шоира Нематова. "ПРОГРЕСС ПОРТРЕТОПИСАНИЯ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ." *Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития* (2019): 12-14.
6. Ахмедова, Шоира Нематовна, Лосеева-Танем Бахтияри, and Насима Сайдбурхановна Кадирова. "О творческой специфике литературной критики." *Miasto Przyszłości* 42 (2023): 326-329.
7. Давронова Ш. Қиссада бадиий далиллашнинг ўрни: //Научно-практическая конференция. – 2021.
8. Davronova S. Tarihi romanda mutasavvif bilgin simasi //dil ve edebiyat araştırmaları i. – c. 108.
9. G'aybulloevna D. S. The Issue of Artistic Image of Nature and Method In The Works Of Isajan Sultan (On The Example Of “The Missing Motherland”) //Indonesian Journal of Innovation Studies. – 2022. – T. 18.
10. Gaybulloevna, D. S., & Bakhtiyorovna, n. n. psychologist in ulugbek hamdam's novel" father.
11. Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. Тошкент. «Фан».1979.
12. Миркарим Осим. Тўмарис қиссаси. Тошкент. «Ўқитувчи».1995.
13. Мирвалиев С. Ўзбек адилари Тошкент. «Фан» 1993, 60-бет.

14. Sharipova L. XX asrning 70–80-yillari o‘zbek she’riyatida folklorizm // Toshkent: Fan. – 2011. – Т. 153.

15. Шарипова Л. ТИЛАК ЖЎРА ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ: Лайло Шарипова, БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, ф. ф. д //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2023. – №. 4. – С. 53-56.